

Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1459-ҳадис

1459 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَقِيتُ إِبْرَاهِيمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةَ أُسْرِي بِي فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ! أَقْرِيءْ أُمَّتَكَ مِنِّي السَّلَامَ، وَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ الْجَنَّةَ طَيِّبَةُ التُّرْبَةِ، عَذْبَةُ الْمَاءِ، وَأَنْهَا قَيْعَانٌ وَأَنَّ غِرَاسَهَا: سُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [3462].

1459. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Менга исро қилдирилган кечада Иброҳим алайҳиссаломга йўлиқдим. У менга: «Эй Муҳаммад! Мендан умматингга салом айт. Уларга жаннатнинг тупроғи поклиги, суви ширинлиги, ўзи текис экани, ундаги дарахтлар(нинг баҳос)и «Субҳаналлоҳи, вал ҳамду лиллаҳи, ва лаа илааҳа иллаллоху валлоху акбар» эканининг хабарини бер», деди, дедилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Тасаввур қилинг, уй қуриш учун ер сотиб олдингиз. Ишни нимадан бошлайсиз? Одатда, кўпчилик ишни кўчат экишдан бошлайди. Негаки, ҳашаматли уй қурсангиз-у олдида дарахт бўлмаса ҳовлингиз қуруқ саҳрога ўхшаб қолади.

Дарахтнинг соя-салқини, мева-чеваси баҳри-дилингизни очади, кайфиятингизни кўтаради, иссиқ кунда танангизга ҳузур бағишлайди. Қолаверса, хонадонингизга кўрк бағишлайди. Агар уйингиз ёнида шахсий боғингиз бўлсами...

Энди, худди шу дарахтлар абадий яшайдиган жаннатда бўлишини истайсизми?

Уламолар, “агар банданинг жаннатда нимасидир бўлса, Аллоҳ таоло албатта

ўша нарсага эриштиради”, дейдилар.

Хўш, қандай қилиб жаннатда дарахтга ёки боғга эга бўлиш мумкин. Бунинг иложи борми? Албатта бор. бўлганда ҳам жуда осон йўли бор. Бунинг бизга сарвари коинот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда ўргатганлар.

Хурайра розияллоҳу анҳу дарахт экаётганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтиб қолдилар ва:

“Эй Абу Хурайра, нима экяпсан?” деб сўрадилар. “Кўчат”, дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бундан ҳам яхшироқ кўчат экишни ўргатайми? У “субҳоналлоҳи, валҳамду лиллаҳи, ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”дир. Бу калиманинг ҳар бири учун сенга жаннатда бир дарахт экилади”, дедилар (Ибн Можа ривояти).

Манба: hadis.islom.uz

